

Qishloq hayoti

2010 йили Баркамол авлод йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2010-ЙИЛ 2-АПРЕЛ, ЖУМА, 39 (7656) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган Баҳоли келишган нархда.



Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти олимлари антиқа сур кўй-кўзиларни кўпайтириш, сифатли ва харидорбоп маҳсулотларни нафақат ички, балки ташқи бозорга чиқариш соҳасида муайян ишларни амалга оширмоқдалар.



Самарқандлик Муқимжон Орипов хориждан келтирилган қовоқ, сабзи ранг қалампирни парваришлаб кўрди. Палакда 20 килодан 50 килогача бўлган қовоқлар етиштирилди. — Очиғи, агротехникага тўла риоя эта олмаймиз, — дейди у. — Агар қовоқ яна парваришланса, унинг ҳар биттаси 150-200 кило, ҳатто ярим тоннагача бўлиши мумкин.



Кеча Ўзбекистон каноэ федерациясида эшак эшиш бўйича жаҳон чемпиони — Вадим Меньковга Халқаро каноэ федерацияси томонидан таъсис этилган "Жаҳоннинг энг яхши каноэчиси" кубоғи топширилди. Вадим Меньков ўтган йили Польша, Чехия, Канада давлатларида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ва кубоғи баҳсларида биринчи ўринни кўлга киритган.

ЭНГ МУНОСИБЛАРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНЛАРИ

Республика-мизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор самарасини бераётди. Иқтисодий-ишловнинг барқарор ривожланишида ушбу соҳа етакчи кучга айланди. Аяни пайтда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоизини ишлаб чиқараётди. Ҳолбуки, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Иш билан банд аҳолининг асосий қисми шу соҳада меҳнат қилаётгани, янги иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этаётганини ҳисобга олсак, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий-ишловда тутган ўрни аниқлашади.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

Таъкидлаш жоизки, бундай натижа соҳага қаратилган эътиборнинг самарасидир. Биргина ўтган йилда кичик саноат корхоналари учун ягона тўлов солиғи 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, яқна тартибдаги тадбиркорлар учун эса ушбу солиқ миқдори ўртача 1,3 баробарга камайтирилди. Тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Кичик бизнес, нақадат, аҳоли даромадларини ошириш, иш ўрин-

лари ташкил этишда, балки ихчам, бозор конъюктурасига мослашувчанлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бунга яна бир бора амин бўлдик. Тадбиркорлар ички имкониятлардан умумли фойдаланиш баробарида соҳага инвестиция киритиш, илғор технологияларни татбиқ этишда ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда. Буни Президент соврини учун аънавий ўтказиб келинаётган ва яқиндагина совриндорлари аниқланган "Ташаббус-2010" кўриктанлови мисолида ҳам кўриш мумкин. Бир ой мобайнида давом этган жорий йилги тадбирда олти

мингта яқин тадбиркор, фермер ва хунарманд иштирок этишди. Ви-



лоят босқичида ғолиб бўлган иштирокчиларнинг 41 нафари кўриктанловнинг республика босқичида беллашдилар.

Танлов ғолиблари аниқланишидан олдин пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида уларнинг маҳсулотлари, ишлари, салоҳиятини намойиш этиш учун кўرғазма ташкил этилди. Бир-биридан бежирим, ўзида кадрларимиз ва замонавийликни мужассамлаштирган хунармандчилик маҳсулотлари, илғор технологиялар асосида халқаро стандартларга мос келадиган қилиб ишланган машиин, техника воситалари, замонавий технологиялар асосида қайта ишланган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўрғазма иштирокчиларидан катта қизиқиш уйғотди, танлов ҳайъати аъзоларида уларни баҳолашда

қийинчилик туғдирди. 30 март кун "Туркистон" саройида танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда дунё олдиди долзарб муаммо — жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай республикамизда бизнес юритишга қулай муҳит яратилмоқда. Мамлакатимизда бизнес фаолиятини истиқболли ривожлантиришга қаратилган имтиёзлар ти-зили равишда давом эттирилмоқда. "Ташаббус" эса бу жарағнда кўмаклашувчи воситага айланди. (Давоми 2-саҳифада)

Хоразм Вилояти

Дехқон учун масъулиятли дамлар бошланди. Бугун у яхши ниятлар билан тупроққа уруғ ташлади. Эл ризқ-рўзини яратётган, дастурхонимиз тўкинлигини ният қилган ғаллакору сабзавоткорларнинг масъулияти юз чандон ошган.

МАВСУМ МАСЪУЛИЯТИ

Амалдаги йилда 34 минг гектар майдонда ғалла ўсти-раётган ва 258 минг тонна пахта хомашёси етиштириш-ни кўзлаб кўриш Хоразм деҳқонлари учун аяни қизғин ва масъулиятли кунлар давом этмоқда. Яқинда Богот туманидаги И.Дўсов номли ММТП био-лабораториясида вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари-нинг семинари кенгаши бо-либ, унда барча туманлар ҳокимлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбарла-ри, ҳудудлардаги ММТП раҳ-барлари ва илғор фермер хўжаликлари бошлиқлари, шунингдек, қишлоқ хўжали-ги соҳасига хизмат кўрсату-вчи ташкилотлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ишти-рок этди.

Семинар кенгаши туманда-ги Ибодулла Искандаров раҳ-барлик қилаётган "Дилшод" фермер хўжалиги бугдойзор-ларини кўздан кечириш ва ёрдамчи хўжаликлар иши билан танишишдан бошлан-ди. Шундан сўнг ғаллачилик соҳасининг билимдон мута-хассиси, қишлоқ хўжалик фанлари номзоиди Илҳомбой Иброҳимов бу йилги қулай об-ҳаво шароитида ғалла парвариши, уни бегона ўтлар ва турли касалликлардан ҳимоя қилиш йўллари ҳақида йўл-йўриқлар берди. Семинар кенгаши иштирок-чилари И.Дўсов номли ММТП худудидидаги уруғлик чигит тарқатиш шохобчаси-да ҳам бўлишиб, уни тайёр-

лаш жараёни билан таниш-дилар, "Куронбоева Гулора ипағи" фермер хўжалигида чигитни экиш ва далаларни экишга тайёрлаш ишларини кузатдилар. Мутахассислар ва тажрибали деҳқонлар ўзаро тажриба алмашдилар. Семинар кенгашида Хоразм вилояти ҳокими Оллаберган Оллаберганов сўзга чиқиб, бугунги кунда қишлоқ хўжа-лиги ходимлари, мутахас-сислар ва хизмат кўрсату-вчи идоралар олдида турган вазибаларга атрофлича тўхтади. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Зафар Рўзиев иштирок этди ва сўзга чиқди. **Холмурод ҚУРБОНОВ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ ОЧИЛДИ

Бугун мамлакатимизда бўлгани каби Навоий вилоятда ҳам ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга, ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш этишга кўмаклашиш, уларни ижодий изланишга рағбатлантириш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Баркамол авлод йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Навоий кон-металлургия комбинати ташаббуси би-лан вилоят марказидаги "Ғалаба" маҳалла фуқаро-лар йиғини худудда замо-навий лойиҳа асосида Бола-

лар ижодийети уйи қад рост-лади. Уни Зарафшон қури-лиш бошқармасига қарашли "Навоий қурилиш трести" бунёдкорлари барпо этди. Мазкур ижодийет уйида бо-

лалар учун қулолчилик, ама-лий санъат, зардўзлик, тикчи-бичиш ҳамда авиамоделларни тўғараги иш бошлади. Келгу-сида тўғараклар сонини яна-да кўпайтириб, уларга мингта яқин ўғил-қизларни жалб этиш мўлжалланмоқда.

Болалар ижодийет уйи очилишида Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов ишти-рок этди.

Ёркул УМАР, ўза мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 1 апрель

СУВ ҲАВЗАЛАРИ МАЪМУРЧИЛИК ХИЗМАТИДА



Сурхондарё Вилояти

2009 йил вилоятимиз қишлоқ хўжалиги ходимлари учун ҳам гоёт барқали қолди. Давлатта 349 минг 840 тонна пахта сотилиб, кўзланган режа орғини билан бажарилди. Биргина пахтачиликдан 161 миллиард сўмдан зиёд даро-мад кўрилди. 557 минг 878 тонна дон етиштирилиб, 286 минг тоннадан орғини давлатта сотилди. Бу муваффақиятга сув хўжалиги ходимлари, ирригаторлари-миз ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар.

2009-2010 йиллар куз-қиш мавсумида ир-ригация ва мелiorация соҳасида амалга оширилган ишлар кўлами ҳам ниҳоятда кенг. 299,6 километр хўжаликлари ирригация тармоқлари тозаланди. Гидротехник иншо-отларнинг 294 донаси, гидростларнинг 301 донаси сифатли таъмирдан чиқарилди. 608 километрлик хўжалик ички суғориш тармоқлари механизмлар ёрдамида тоза-ланди. Гидротехник иншоотларни таъмир-лаш, гидростларни сошлаш, сув олиш

қулоқлари ҳам тартибга келтирилди. Дав-лат тасарруфида бўлган 553 донна насос аг-регатида 120 таси тўла таъмирланди. 22 та суғориш қудуқлари таъмирланди. Бу йил қишлоқ хўжалик экинларини су-ғориш учун 3,8 миллиард м³ сув талаб эти-лади. Ушбу обихайётнинг 30 фоизи Амудар-ёдан насос станциялари орқали, қолган 70 фоизи вилоятимиз ички манбаларидан оли-нади.

(Давоми 2-саҳифада)

ФЕРМЕР АЁЛЛАР ЎҚУВИ

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида фермер аёл-лар ўқув-семинари ўтказилди.

Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси, фермер хўжаликлари уюш-маси ҳамда "Ташаббускор аёл" маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинар-да Тахтақўйир, Қораўзақ, Чимбой ва Кегей-ли туманларидан ташриф буюрган фермер аёллар иштирок этди. Семинарда тегишли вазирилик ва идора-

лар вакиллари, тижорат банклари, солиқ ти-зимси мутахассисларининг фермер хўжалик-лари фаолиятини юритишнинг ҳуқуқий асо-слари, банклардан имтиёзли кредит мабла-галари олиш қоидалари, меҳнат шартномаси-ни тўғри тузиш ва бажарилишини таъмин-лаш масалаларига бағишланган маърузала-ри тингланди. Амалий машғулотда фермер хотин-қизлар ўзаро тажриба алмашдилар. Ўқув-семинар якунида тингловчиларга махсус сертификатлар топширилди. (ЎЗА)

Qishloq hayoti
Қишлоқ ҳаёти
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидида ҳамда шу йўналишдаги вазирилик ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирилик,
"Ерғодезакадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат кўмиталари,
"Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсанот", "Ўзагроосуғурта", "Ўзвинсанот-холдинг",
"Ўзбекенгилсанот", "Ўзқишлоқхўжаликмашизинг" компаниялари,
"Ўзлаптасанот", "Ер-мой ва озик-овқат сановати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагрошарксервис", "Ўзғўштутсанот" уюшмалари, "Агробанк",
"Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси,
Агросаноат ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши,
"Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Қашқадарё Вилояти

«АСАЛАРИ — ОИЛАНИНГ ТАБИБИ»

— ДЕЙДИ ТАЖРИБАЛИ АСАЛАРИЧИ ЭРГАШ БОТИРОВ

Дарҳақиқат, асал фақатгина дастурхонимиз кўрки бўлиб қолмасдан, кўплаб дардлардан фориғ бўлишимизга кўмаклашади. Асалари жуда меҳнатқаш жонивор. Унда синоат кўп. Шунданми, гузорлик тадбиркор Эргаш Ботировнинг ишчи асаларичиликка тушди.



Етти хазинанинг бири

— Бу соҳага қизиқиб қолшимизга дўстим Эркин Дўстмуродов сабабчи бўлган. У илгаридан асаларичилик билан шуғулланарди, — дейди тажрибали асаларичи. — Дўстимнинг даъвати билан 1990 йилда ушбу ишга қўл урдим. Дастлаб 10 кўти асалари сотиб олиб иш бошлаганман.

Йиллар ўтиши билан Э.Ботировнинг тажрибаси ортиб, асалари билан «мумала» қилишнинг ҳадисини олди. Бугунги кунда у туманининг илгор асаларичиларидан саналади. Ишни 10 кўти асалари боқшидан бошлаган бўлса, бугунги кунда улар сони 130 тага етган. Насиб этса, ёза чиқиб 150 тага етказмоқчи.

Албатта, асалари боқшисининг ўзи бўлмади. Унинг анча-мунча ташвишлари бор. Йил — ўн икки ой тиним билмаслик керак. Э.Ботировнинг 2 та вагон тиркамаси бўлиб, уларга асалари қўтилари янгилаштириб, дашта-дашт, далама-дала юришдан эринмайди.

— Эрта баҳорда дала-ларга кўчиб чиқамиз. Апрель ойида кўшни Нишон туманининг чўлларига кета-

миз. Чунки, асалари чўл акацияси, исирик сингари ўсимликлар ва уларнинг гулидан бол йиғишни яхши кўради. Май ойи бошларидан эса Пачкамар, Чучук, Дўлтали адириларо Қамаш туманининг лалми ерларига чиқамиз. Масхар, оққурай, беда сингари ўланлар ҳам асаларининг сеvimли озукаси. Июль, август, сентябрь ойларида пахтазорлар четига бориб вагонларимизни жойлаштирамиз. Бу ерларда асалари гўза гули, кўсагидан, пайкал четидидаги жинжаклардан асал тўплайди, — дейди Эргаш Ботиров.

— Асаларичиликнинг ташвишлари кўп, даромад ҳам шунга яраша бўляптими?

— Аллоҳга шукр, юртимизда мустақиллик туйғайли яратилган имкониятлар натижасида бу иш билан шуғулланиб элдан кам бўлмаймиз. Кўп йиллик меҳнатимиз даромадидан оиламиз эҳтиёжи учун «КамАЗ» автомашинаси, енгил автомашина олдик, хусусий дўкан қурдик, фарзандларимни уйли-жойли қилдим. Қолаверса, меҳнатим орқасидан муқаддас ҳаж зиб-

ратига бориб келиш ҳам насиб этди, — дейди қаҳрамонимиз.

Унинг айтишича, парваршидаги асаларилардан йил яхши келса 5 тонна асал олиш мумкин экан. 1 килограмм асални кўтарасига 7000 сўмдан сотишаркан. 5 йиллик, 7 йиллик асал янада қимматроқ солинади.

Тадбиркор етиштирган асаланинг бир қисми ўғилларига қарашли дўкнлардан сотилишини айтди.

хил ўсимлик гулларида шира (нектар) йиғаркан. Асалари оиласи йил давомида ўртача 100 килограммгача асал, 25 килограммгача гулчанг истеъмол қилади. Бир килограмм асал ҳосил қилиш учун 100 миллионга гул шираси йиғилиб, бу жараёнда ҳар бир асалари уясига 120-150 минг марта қатнайди. Яна бир маълумот: асаларининг 5 та кўзи бор. Ҳид билиш қобилияти одамларга нисбатан 25 марта кучли. Шунга кўра, бир неча чақирим наридаги ҳидни сезади. Асаларилар ўз уясида ўнлаб километр узоқликка учиб бориб, уясини адашмай топиб келади. Учш тезлиги соатига 65 километргача етади. Шира олиб қайтишда эса бу тезлик 35 километри ташкил этади. Асалари тозаланиш хуш кўраркан.

Улардаги тартиб, уяга кириб-чиқишнинг ўзига ҳос кўнунлик, «посбон», «подшоҳ», «ишчи», «энага» ариларнинг ҳизматларини эшитиб ҳайратга тушдим.

— Асалани минг бир дардга даво дейишлари бежиз эмас. Асал микроб тушмайдиган бирдан-бир егулик. Сувда эриган бутун дармондориларни ўз ичига олган шифо маъдани. Бошқа ҳеч бир озукча моддасида топилаётган Б-13, Б-14 ва Бт дармондориларига эга. Мавжудот яратадиган моддаларнинг энг сирлиси ҳисобланган


асалари сутининг қаймоғи жигар, кўкйўтал, ошқозон яраси, бод, камқуватлик, ичак, тери, камқонлик ва бошқа кўплаб касалликларнинг давосидир. Юрак ва юрак билан боғлиқ асаб силсилаларининг, миянинг озукча манбаи ҳамдир. Пайгамбаримиз саллоллоху алайҳи ва саллам ҳам: «Асал еб туринглар, зеро, у минг дардга даводир», деб марҳамат қилганлар, — дейди Эргаш Ботиров.

Э.Ботиров куюнчак инсон. Уни асаларичилик билан боғлиқ масалалар доимо ўйлантиради. Сўхбатимиз жараёнида ўзини қийнаётган муаммолар билан биров ўртоқлашди:

— Асаларичилик янада ривожлантириш керак. Бунинг учун олимлар, соҳа мутахассислари, асаларичиларнинг бошини қовуштириш зарур. Вилоятимизда, туманимизда асаларичилар уюшмаси тузилса, у тарқоқ ҳолда фаолият юритиб ташкил этилади, шунингдек, асаларичилар ярмаркаси, семинар-ўқувлари кўпроқ ташкил этилса, соҳа янада ривожланарди.

Умуман, асаларичилик даромадли тармоқ. Бу соҳани ривожлантириш орқали аввало, элимиз дастурхони тўқин бўлиб, кишилар саломатлиги химояланади.

Бобоназар ХАСАНОВ



Агротехника

Бедапояларни зараркунандадан химоялаш

Беда ўрта Осиёда юқори ҳосил берадиган сероқсил чорва озукаси ва алмашлаб экиладиган асосий экин ҳисобланади. Кўк беданинг таркибидеда чорва молларига керакли бўлган девяри барча витаминлар мавжуд. Ундаги ҳазм бўлувчи оқсил миқдори ҳамма озукабоп ўтлардан устун туради. Беданинг яна бир муҳим афзаллиги шундаки, у кўпгина экинлар, айниқса, гўза билан алмашлаб экилганда, тупроқнинг илдиш туганаклари билан бойидаги ва ҳар гектар ерда 600-900 кг. атрофида азот тўплайди, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятларини яхшилайди, ернинг шўрланшини камайтиради ва ўша майдонларга экиладиган гўзанинг вилт касаллигига чидамиллигини оширади.

Кузатишлардан айрим фермер хўжалиқларида беданинг биринчи ўрими девяри йўққа чиқиб кетгани маълум бўлмоқда. Ваҳоланки, биринчи ўрим кейингиларга нисбатан энг юқори ҳосиллиги ҳамда анорганик ва органик моддаларга бой ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, кейинги йилларда беда майдонларида зараркунанда хашаротларнинг кўпайиши ва улар катта зарар келтираётганига қайд этилмоқда. Унинг асосий зараркунандаларидан бири беда барг филчаси ёки фитономус бўлиб, шундай озукча етиштириладиган барча майдонларга кенг тарқалади ва иккинчи йилдан бошлаб биринчи ўримида катта зарар келтиради. Фитономус кўнғизлари йил давомидеда бир бор авлод бериб, ривожланади. Ҳаво ҳарорати 11-12°C бўлганда қишлоқдан чиқади. Кўнғизлар беда новдасининг бўйи 10-12 сантиметргача етганда ўсимлик танасини ёриб, туҳум қўя бошлайди. Ҳар бир ургочи кўнғиз яшаш даврида ўрта ҳисобда 3000 та туҳум қўяди. Кичик куртчалар, аввало, беда ўсиш нуктаси ичида, сўнгра икки-уч ёшдан бошлаб ташқаридеда, беда барги билан озикланиб, тўрт ёшдан бошлаб шу жойда гўмбақча айланади. Ёш кўнғизлар озикланиб, сўнгра ҳарорат 24-25 даража бўлганда дала четларига, салқин, нам жойларга, вақтинча ушлашга кетадилар. Кўп ҳолларда об-ҳаво бир неча кун исини айрим фитономус кўнғизларининг эрта уйғонишига сабаб бўлади. Бу даврда шошилиқ кураш чораларини кўриш қўтилган самарани бермайди. Афсуски, айрим фермер хўжалиқларида кўрсатилган тавсияларга амал қилмай фитономусга қарши кураш эртароқ бошлаб юборилди ва оқибатда беданинг биринчи ўрими ҳосили кўзланганидек бўлмади.

Ем-хашак етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжалиқлари мутахассислари айрим ҳолларда фитономус кўнғизларини уларга нисбатан эртароқ, яъни ҳаво ҳарорати 5-6 даража бўлганда қишлоқдан чиқадиган туганак узун-бурун кўнғизлари (ситонлар) билан адаштиридилар ва дарҳол бедапояларни дорилайдилар. Бу эса анча меҳнат ва маблаг сарфига олиб келади. Узунбурун кўнғизларининг тумшуклари йўғон ва қўлранг бўлади. Улар янги бедапояларнинг ёш ниҳолларига зарар келтирадилар.

Беданинг ўсув даврида фитономус личинкаларига ва бошқа зараркунандаларига қарши қўйиладиган дориювчи фойдаланиш мумкин. Булардан 5%ли эм.к. Каратэ, гектарига 0,15 кг, 5%ли эм.к. Каратэ Зеон — 0,15 кг, 2,5%ли эм.к. Децис, гектарига 1,0 килограмм, 20%ли эм.к. Суми-Альфа — 0,1 кг. ва бошқалар.

Беда майдони гир айлантириб ўрилиши мақсадга мувофиқ. Бунинг аҳамияти шундан иборатки, дала четларида қишлаб қолган кўнғизлар қишлоқдан чиқиб, бедапояга туҳум қўя бошлайдилар, секин-аста майдонларга тарқаладилар. Бедани айлантириб ўриш жараёнида фитономуснинг кечикиб қолган қўрлари ва гўмбақча нобуд бўлади. Аксинча, бедани бир томондан ўрганганда, иккинчи тарафдаги фитономус қўрлари яхши ривожланиб, беда ичкариб тарақиб, кўк массага катта зарар келтиради. Юқоридеда келтирилган баҳорги чорати-тадбирларни ўз вақтида ўтказиш беданинг биринчи ўрими зараркунанда хашаротлардан сақлаш учун имкон яратади.

Бахтиёр ОДИЛОВ,
Мунира АКМАЛОВА,
Ўзбекистон ўсимликларни химоя қилиш
илмий-тадқиқот институти ходимлари.

МАВСУМ

УЮШҚОҚЛИК САМАРАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси

Элликқалъа туманидаги Гулдурсин овулининг «Содиқлла Ризаев» фермер хўжалиги далаларида ҳам чигит экиш бошланди. Механизаторлар бунинг учун ерни сифатли қилиб тайёрлаб, сўнг чигит қадашмоқда.

Баркамол авлод йилда Элликқалъа туманининг 312 фермер хўжалигида жами 15 минг гектар ерга чигит экилиб, 30 минг тонна пахта хомашёси етиштириш режалаштирилган. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Ерлар барвақт, сифатли қилиб тайёрланади.

никаларнинг тўхтовсиз ишлаши учун барча шароитлар яратилди. Иқлимбол, эрталишар, нисбатан мўл ҳосилли чигит навлари етарли миқдорда гамлаб қўйилди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Наманган Вилояти



«Дўстлик-ҳамкор-сервис» муқобил машина-трактор паркн худудидедаги «Рустамон бува ўғли йўлчибой» фермер хўжалиги нафақат Поп туманида, балки вилоятда ҳам пешқадамлардан бири қаторида тилга олинади.

— Мулкдор Абдумажид Рустамов деҳқончилик юмушларига иходий ёндашиб, илгор тажрибаларга таянади. — дейди «Янги-ҳаёт» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдумалик Умаров. — Шу боис, ҳар йили давлатта пахта, галла ҳамда пилла сотиш режалари ортиги билан уудаланмоқда. Техника — деҳқоннинг асосий қаноти. Фермер хўжалигида бунга алоҳида эътибор берилади.

СУРАТДА: фермер хўжалиги бошлиғи Абдумажид Рустамов, «Янги-ҳаёт» кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдумалик Умаров ҳамда «Чортоқ ороли» фермер хўжалигининг бошғи Устамжон Добонжонов фикр алмашишмоқда.

Мазмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

Сурдаё Вилояти

Сардоба тумани далаларида айни чоғда 60 та ер тайёрлаш, 58 та чигит экиш гуруҳлари икки сменада жадал ҳаракат қилаётир. Механизаторлар иш суръати ва сифатини таъминлаш учун 19 та ер тайёрлаш ускунаси, 1618 та борона, 25 та чизелдан тўла қувватда фойдалонмоқдалар.

Асосий майдонларга «Ан-Боёвут-2», «Тулбаҳор» навлари, шунингдек, истиқболли, шўрга чидамли «Навбахор» навлари экилаётир. Тайёрланган чигит худудий уюшмалардаги 6 та шохобаддан фермер хўжаликлари даласига етказиб берилаётир. — Бу йил 18 минг 100 гектар майдонга чигит экишни режалаштирганми, — дейди туман техника назорати инспекция-

сининг бошлиғи Темур Файзиев. — Уруғлик, ўғитнинг шохобчаларга олдиндан келтириб гамлаб қўйилгани, даладарда 100 фоз сертификатлаштирилган техника воситаларининг икки сменада ишлаётгани туманда чигит экишни 15 кун ичида тугаллаш имконини беради.

Б.БЕКМҮРОДОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Самарқанд Вилояти



Муқимжон аканингу улкан қовоқлари

Самарқандлик маърифатпарвар шоир Ориф Гулҳанийнинг навараси Муқимжон Орипов буясининг уй-музейи боғида бир неча йиллардан буюн турли юртлардан келтирилган гўл ва дароҳт ниҳолларини кўпайтириш билан шуғулланади.

Муқимжон ака бу гал хориждан келтирилган қовоқ, сабзи ранг қалампирни парваришлаб кўрди. Палакда 20 килодан 50 килограмгача бўлган қовоқлар етиштирилди.


— Очиғи, агротехникага тўла риоя эта олмадим, — дейди у. — Иккинчи томондан, музей боғи кичиклик қилди. Тўғри, агар қовоқ яна парвариланса, унинг ҳар биттаси бизнинг шароитда

150-200 кило, ҳатто ярим тоннагача бўлади. Таъмига, ширинлигига эса гап йўқ.

Маълум бўлишича, М.Орипов сабазиранг қалампир ва қовоқдан анчагина уруғ етиштириб олибди. Уни фидойи деҳқонларга бепул тарқатиш ниятида.

Ориф ХОЖИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими масъул котиби.

БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИДА ИСТИҚБОЛИ ЛОЙИҲАЛАР



Ҳалқимиз балиқ ва балиқ маҳсулотларига нисбатан шундай таъриф беради: луқмаи ҳалол. Аҳоли фаровонлигини ошириш, дастурхон тўқимлигини таъминлаш ҳамда саломатлигимизда муҳим аҳамиятта эга бўлган ушбу маҳсулотларни кўпайтиришга мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилаётир.

Утган асрдаги экологик муаммоларда балиқ маҳсулотлари етиштиришни кескин камайтириб юборганди. Истиқбол йилларида соҳада амалга оширилган ислохотлар боис ўнлаган ишлашлар қўзғалмоқда. Хусусан, 1994 йил Вазирилар Маҳкамасининг қарори билан соҳада хусусийлаштиришга биринчи қадам босилди. Ҳукуматимизнинг қатор қарорлари билан табиий сув ҳавзалари конкурс асосида балиқ овлash қорхоналарига ижарага берилди. Сув ҳавзасини ижарага олган балиқ овлash қорхонасига балиқ овлash, балиқ ресурсларини кўпайтириш ва маҳсулотларини ошириш вазифаси қўйилди. Соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, банклар томонидан балиқчилик фермер хўжалиқларига кредитлар йўналтириляпти. 2009 йил февралда Вазирилар Маҳкамаси томонидан Республикада 2009-2011 йил-

ларда балиқ етиштиришни ошириш дастури тасдиқланди. Шунингдек, соҳада бир қатор истиқболли лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда. Жумладан, 2007 йилда БМТнинг Озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиғи масалалари бўйича ташкилоти ФАО кўмағида Ўзбекистон Республикаси етакчи мутахассислари ва олимлари 2008-2016 йилларда Ўзбекистонда аквакультура ва балиқчиликни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқдилар.

Лойиҳа асосида малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Яқинда пойтахтимизда Марказий Осиёда балиқчилик соҳасида таълим ва илмий изланишларнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. У БМТнинг ФАО ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Республикаси

Кишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи ҳамда Фанлар академиясининг Зоология институти томонидан ташкиллаштирилди.

Семинарда бир қатор давлатларнинг соҳа вакиллари, Ўзбекистон Кишлоқ ва сув хўжалиғи вазирлиғи, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик бош бошқармаси ходимлари ва ФАОнинг миллий ва хорижий экспертлари қатнашди.

Семинарда мамлакатимизда аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш учун имкониятлар етарлими деган саволга илмий жиҳатдан, яъни балиқ маҳсулотларининг манбаларидан жавоб изланди. Балиқ маҳсулотларининг учта манбаи мавжуд: табиий кўллардан балиқ овлash, аквакультура — сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш, балиқ маҳсулотларининг импорти. Ўзбекистонда катта сув ҳавзалари йўқ. Мавжуд ҳавзаларга сув олиб келадиган дарёлар бутунлай ирригацияга мослаштирилган бўлиб, балиқлар табиий кўпайишида муаммолар келтириб чиқаради. Ихтиофауна жуда камбағал бўлиб, атиги 10 та балиқ тури бор. Бундай шароитда балиқчилик ривож-

ланиши беқарор бўлади. Денгиз бўйи худудларининг юртимизга узоқлиғи балиқ импортини ҳам қийинлаштиради. Энг мақбул усуллардан бири бу — аквакультура-дир.

Ўзбекистон фермерлари айни вақтда аквакультуранинг карпсмонлар поликультураси вариантини вазирилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичилик бош бошқармаси ходимлари ва ФАОнинг миллий ва хорижий экспертлари қатнашди. Семинарда мамлакатимизда аҳолининг балиқ маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш учун имкониятлар етарлими деган саволга илмий жиҳатдан, яъни балиқ маҳсулотларининг манбаларидан жавоб изланди. Балиқ маҳсулотларининг учта манбаи мавжуд: табиий кўллардан балиқ овлash, аквакультура — сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш, балиқ маҳсулотларининг импорти. Ўзбекистонда катта сув ҳавзалари йўқ. Мавжуд ҳавзаларга сув олиб келадиган дарёлар бутунлай ирригацияга мослаштирилган бўлиб, балиқлар табиий кўпайишида муаммолар келтириб чиқаради. Ихтиофауна жуда камбағал бўлиб, атиги 10 та балиқ тури бор. Бундай шароитда балиқчилик ривож-

Нодир МУЛЛАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Зоология институти кичик
илмий ходими.

Баркамол авлод — мамлакат келажаги

Санъаткорлар оиласининг муносиб вориси



— Санъаткорлар оиласида туғилган экансизда... — Оилада 6 фарзанднинг учинчиси...

барчаси миллий чолғу асбобларини танлашган. Сиз эса операга меҳр кўйибсиз...

Юртимизда ёшларга яратилган имкониятлар ўз самарасини бермоқда. Ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, санъатда улкан ютуқларга эришган ёшлардан бири Қорақалпоғистоннинг Нукус шаҳрида туғилган, айни пайтда Ўзбекистон давлат консерваториясининг 3-босқич академик вокаль бўлими талабаси Женисбек Пиёзовдир.

истакларига аҳдида собит турган одамгина эришади. Умуман ҳаётдаги ширинлиги қандай?

— Исмимнинг маъноси галаба дегани. Ҳаётдаги ширин ҳам доимо олға интишмоқ, галабага, ютуққа эришмоқ...

дунёга машҳур опера сахнасида кўшиқ куйлаш бахтига мушарраф бўлганим бўлди.

— Ҳар бир соҳада ютуққа эришмоқ учун оилада, ўқув даргоҳларида, албатта, талабчанлик, қаттиққўллик даркор дейишарди...

— Қайси юртларда бўлгансиз?

— Франция, Испания, Португалия, Москва, Қозғоғистонда бўлганман. Қайси юртга борадиган бўлсам, ўша халқ тилида кўшиқ куйлаганман.

Эшак эшиш

Куни кеча Тошкентда — Ўзбекистон каноэ федерациясида эшак эшиш спорти бўйича спортчи ва мураббийларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Меньков жаҳоннинг энг яхши каноэчиси



Унда эшак эшиш бўйича жаҳон чемпиони — Вадим Меньковга Халқаро каноэ федерацияси томонидан таъсис этилган "Жаҳоннинг энг яхши каноэчиси" кубоги топширилди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Утерное свидетельство о государственной регистрации юридического лица № 3819 (реестровый номер № 504 от 11 ноября 2005 г.)...

Эхтиёт-шарт

МОДДИЙ ЗАРАР КЎРМАЙ ДЕСАНГИЗ...

Кафе, бар, ресторан каби одамлар кўп йиғиладиган масканларда содир бўладиган ёнғинларда катта моддий тавафот кўрилишига қолмай, маъмур бахтсиз ҳодисаларда инсонлар ҳалок бўлиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда.

Ҳамза тумани С.Машҳадий кўчаси 186-уйда жойлашган "Колбол Трейд Сервис" МЧЖга қарашли "ШЕШ-БЕШ-2" кафеда ёнғин содир бўлиши оқибатида 100 кв. метр майдонда кафенинг қамиш ва ёғочдан ишланган ички қопламалари ёниб, катта миқдорда моддий зарар етган.

ларни қадоқлаш печи ичига киритган вақтда печи ичида ёнғин юз берган. Бундай мисолларни келтиришимиз бежиз эмас.

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕТИРМА

AVTODOM PLUS advertisement featuring a silver car and contact information for the dealership.

Китобингизни ўқидим

"...Ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун, аввало, киши организмда унга қарши иммунитет ҳосил қилинади. Биз ҳам фарзандларимизни она-Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига сadoқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида маънавий иммунитетни кучайтиришимиз зарур.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ — МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК БЕЛГИСИ

Тилга олинган китоб Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи Эркин Фуломов қаламига мансуб бўлиб, маънавий-маърифий аҳамиятга эгалиги билан қимматлидир.



ганлигининг ўзи ёшлар онг-шуурига маънавий таъсир этишга астойдил ҳаракат қилинганлигини кўрсатади. Биргина Тошкент туманининг Ҳасанов Дилшод Мансуров, Нурлан Жақилқов, Махфуза Абдуллаева, Шерзод Қодиров, Умида Толипова, Беҳзод Убайдуллаев, Жалолиддин Саъдуллаҳужаев, Азиз Шокиров каби ўнлаб жаҳон, Осиё ва Ўзбекистон чемпионолари, Олимпиада ва халқаро турнирларнинг совриндорлари еттишиб чиққанлиги, бутунги кунда уларнинг юзлаб издошлари борлиги фахр-ифтихор билан тилга олинган.

Тайёрлов курсига марҳамат!

Advertisement for a preparatory course at the State Agrarian University of Tashkent, 2010-2011 academic year.

Legal notices and advertisements from AVTODOM PLUS, including information about car sales and company registration.

Bottom section containing various advertisements for services like printing, advertising, and legal assistance.